МУСОФИР ОТА ЁХУД АМИР ҲУСАЙН ҚАВЧИН ЗИЁРАТГОҲИ

Абдибакир Эргашев
тарихчи-ҳуқуқшунос,тадқиқотчи.
Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани 68-сонли ихтисослаштирилган мактаб интернати. Халқ таълими аълочиси, олий тоифали тарих фани ўқитувчиси.
Тел.+998904285029
Манзил.Ғузор тумани ,Обод маҳалла,Ибн Сино кўчаси.

Бўлиб ҳукмроннинг тўртта вазири,
Тўрт улусга масъул эди ҳар бири
Гарчи форс, арабда қабила бисёр,
Турклар ҳам кўпликда ўшалар қатор.
Тўртта қабилага мансуб тўрт вазир
Юритар эди иш кўргузиб тадбир.
Биринчи қабила номидир Орлот,
Уларнинг уруғи ҳалиям ҳаёт.
Иккинчи қабила Жалойир эди,
Учинчиси Қовчин кўп моҳир эди.
Тўртинчи қабила чун Барлос эди,
Ўша қабилага Темур хос эди.

Халқимизнинг бой тарихи ва маьданий меросини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва бойитиб бориш борасида Президентимизнинг 2018-йил 16-январ, 5181-Ф рақамли, “Моддий маданий ва археология мероси обьектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисидаги ” фармойиши қабул қилинди.

Мана шундай тарихий масканларимиздан бири, бугунги кунда Мусофир ота номи билан аталиб келаётган зиёратгоҳимиз ҳақидадир.

Мусофир ота деб аталиб келаётган зиёратгоҳ жуда узоқ тарихга эга эканлиги кўриниб турибди. Бунинг исботи шуки, мақбара атрофида қадимий қабристон ястаниб ётибди. Қабристонда жуда кўплаб мармар қабр тошлари (санаганимиз 27 та) мавжуд.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларида ушбу мармар қабр тошларидаги арабий ва форсий матнларни ўқишга ҳаракат қилинди. Қабр тошларини ўқишга беминнат ёрдам берган инсон Мирзо Меърожиддин (тарихчи-манбашунос) бўладилар. Даставвал, мақбара ичидаги мармар қабр тошларининг ўлчамини олдик.

Мақбарага кираверишда ўнг томон бурчак қисмида маҳобатли мармар қабр тоши ажойиб сақланган. Албатта бу тошларни кўриб ҳайратландик. Устанинг маҳоратига тошга ўйиб ёзган хаттотнинг машаққатли меҳнатига тан бермасдан илож йўқ.

Ушбу қабр тошнинг бўйи 170 см, эни 40 см, баландлиги 45 см ни ташкил этади.

Қабр тошнинг икки ён томонида Қуръон оятлари битилган.

Энг қувонарлиси шуки, қабр тошининг бош томони ён қисмида шу пайтгача сақланиб келаётган қадимий битикларга кўзингиз тушади. Бу ёзувларнинг таржимаси шундай: «Вафот Амир Ҳусайн Қавчин ибн Тўхтамиш Қавчин ибн Ҳожу Қавчин,

Фит торих Жумадул аввал Робъ ва салосин ва самонимия ҳижрий 834».

Таржимаси: « Амир Ҳусайн Қавчин, унинг отаси Тўхтамиш Қавчин, унинг отаси Ҳожи Қавчин. Унинг вафоти тарихи, жумадул аввал куни, ҳижрий 834/1430 йил».

Ҳурматли ўқувчи, Ғузор тарихи жуда қадимий тарихга эга эканлигининг исботини кўриб турибсиз.

Шу ўринда биз тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган каттагина салобатли мармар қабр тош бу Амир Ҳусайн Қавчинга тегишли эканлигидир.

Буюк бобомиз Амир Темур шахси кўплаб тарихчи-тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлиги сир эмас.

Эътиборлиси шуки, ушбу қабр тош Амир Темурнинг энг ишончли саркардаси ҳарбий юришларда садоқат билан хизмат қилган Амир Ҳусайн Қавчинга тегишли бўлиб чиқди.

Шарофиддин Али Яздий ўзиниг «Зафарнома» асарида Амир Ҳусайн Қавчин ҳақида айтиб ўтган.

Амир Хусайн Қавчиннинг ҳаёти ва фаолияти Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини варақлар эканмиз, Амир Ҳусайн Қавчин нафақат Амир Темурга, балки, Темурий шаҳзодаларга ҳам умрининг охиригача садоқатли хизмат қилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Амир Темур улкан салтанатни бошқаришда ўз яқинларига таяниб бошқарган. Лекин шундай садоқатли инсонлар ҳам бўлганки, Амир Темур уларга ҳам ишонч билдирган ва ўз хизматига олиб уларга унвонлар, мартабалар берган.

Шу ўринда «Амир» мартабасига тўхталиб ўтишна жоиз деб билдик. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нинг 1-жилдининг 78-бетида «Амир» сўзига шундай таъриф берилади: Амир – ҳоким, ҳукмдор: бошлиқ. 1 тар. Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси.

Амирий лашкар темурийлар даврида ва кейинчалик Туркистон хонликларида: энг юқори унвон; умуман лашкарбоши, қўшин бошлиғи деган маъноларни англатади.

Шундай мартабага албатта Амир Ҳусайн Қавчин ҳам эришди ва Амир Темурнинг ишончли амирларидан бирига айланди.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг 262б ва 263а кўрсаткичларида, яъни 257-258 бетларида, Соҳибқиронни (яъни Амир Темур) динпарвар Қайсария (қадимги Цезорея, милоднинг бошида Юлий Цезарь томонидан барпо қилинган қалъа ҳозир Туркиянинг марказида Эржияс тоғининг шимолий этагида жойлашган Қайсари шаҳри) ва Анкурийаға (Марказий Анатўлиядаги қадимги шаҳар, турли даврларда у Анкира, Ангура деган номлар билан ҳам аталган. Ҳозир Туркиянинг пойтахти Анқара) боргани ҳақида.

«Сивосдин бир жамоат кишиларким йўлларни яхши билур эдилар, арз қилдиларким, Тўқат йўли жангал турур ва йўллар тор ва Йилдирим Боязид кўп киши

билан Тўқатқа (Анатўлиянинг шимолида Яшил Ирмоқ дарёсининг чап соҳилида жойлашган шаҳар) келиб сув бошини [тутуб] ва қоровуллар тақи ул жангални кўруб Қайсария сори юруб турурлар».

Соҳибқирон Али Султон Тавочини йибордиким, черикни қўймағайким, Қайсариядин ўтгай.

Соҳибқирон олти манзилда Сивосдин Қайсарияга етиб тушти. Анда етгонда шаҳар элига амон бердилар. Ва бир жамоат бадбахтлар нағамларда ва тешукларда кириб эрдилар, нағам уруб барчани олдилар.

Ул ернинг ошлиғи пишиб эрди, ҳукм бўлдиким, «Черик ўзлари учун озуқ юкласунлар!». Ва соҳибқирон амирзода Або Бакр ва Шайх Нуриддинбекни қоровуллиққа йибарди. Ва черики била жайба кийиб, йасол йиғлаб Қайсариядин Анқурияға мутаважжиҳ бўлдилар.

Ва уч манзил юруб Йўлғун суйиға (деб бу ерда Қизил Ирмоқ дарёси кўзда тутилаётган кўринади. Чунки бу маршрутда шу дарё ва унинг ирмоқларидан бошқа сув йўқ.) келиб туштилар. Тўртинчи кун шаҳарға яқин келиб тушти. Анда хабар келдиким, Йилдирим Боязиднинг черикидин қаро кўрунди. Фармон бўлдуким, «черик душман сори мутаважжиҳ бўлсунлар! Ва ҳар ердиким, тушар эрдилар, ҳандақ қаздуруб ўлтурур эрди. Шоҳ Маликбекни минг киши била тил олмоқ учун йибарди. Кечада отланиб, ўн йағоч йўл йуруб, субҳқа йақин Йилдирим Боязиднинг черикидин қоровуллар чиқиб борурда булар каминдин чиқиб қаттиқ уруштилар.

Қайсар эшуттиким, бир жамоат киши соҳибқирон черкидин илгари келиб турурлар, кўнглида бисёр қаттиқ келиб бекларини чорлаб, қаттиқ сўзлар деди. Ва тонг отқанда кўчуб Қиршаҳр (Қизил Ирмоқ дарёсининг ўрта оқимида ўнг соҳили тарафидаги шаҳар) сори мутаважжиҳ бўлди. Шоҳ Маликбек соҳибқиронға киши чобтуруб, уруш қиссасини ва Йилдирим Боязиднинг Қиршаҳр сори борғанини арзадошт қилди. Ул Ҳазрат муни эшитиб, Илёс Хожаким, Шайх Али Баҳодурнинг ўғли эрди ва Сайин Темур ва ағоси Мурод ва Дона Хожа ва Амир Ҳусайн Қавчин ва Султон Малик Уч Қаронинг ўғли ва ўзга баҳодурларни олтмиш киши билан йана тил олмоқ учун йибарди».

Соҳибқирон Амир Темур Боязид Йилдиримга (1389-1402 йиллар Усмонийлар империясини бошқарган) қарши ишончли амир ва саркардалар билан ҳаракат қилган. Албатта бу юришда Амир Ҳусайн Қавчин ҳам муҳим вазифаларни бошқарган.

Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» китобини варақлар эканмиз, ҳақиқатан Қовчин уруғига мансуб инсонларнинг Амир Темур ҳарбий юришларида, давлат бошқарувида аҳамиятга эга эканлигини аниқладик.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ушбу тарихий шахслар ичида Амир Ҳусайн Қавчинга Амир сўзи исмидан олдин қўшиб аталмоқда. Ушбу Қавчин уруғи ичида энг юксак унвонга эришган инсон бу Амир Ҳусайн Қавчин эканлигини билишимиз мумкин. Шунинг учун бўлсаки, темурийлар даврида Амир Ҳусайн Қавчинга атаб маҳобатли мармар қабр тош қўйилган ва унга атаб мақбара бунёд этилган.

Ушбу зиёратгоҳда Рўза ва Қурбон сайилларида жуда кўплаб одамлар йиғилишиб ибодат қилишган. Турли тадбирлар амалга оширилган. Зиёратгоҳ ҳудудида қадимий

ҳовуз ўрни сақланиб қолган. Ушбу ҳовузнинг тахминий ўлчови 10х10 м2 ни ташкил этади. Қадимий ҳовуздан унча узоқ бўлмаган ён қисмида қадимда масжид ҳам бўлган. Масжид пахса девордан қурилган. Кейинчалик мустабид тузум даврида бузиб ташланган. Қадимий масжиднинг 10 метрлар жанубий қисмида яна бир масжид бунёд этилган. Кейинчалик бу масжид ҳам бузилган. Зиёратгоҳ ҳудудида лойдан супалар барпо этилган.

«Мусофир ота» деб номланиб келинаётган мақбара қадимда пахсадан бунёд этилган бўлиб, гумбазсимон бўлган. Маҳаллий халқ вакилларининг айтишига қараганда зиёратгоҳ ҳудудида қадимда чиллахона ҳам бўлган экан.

Шу ўринда Республикамиз, вилоятимиз, айниқса, туманимиз туристик салоҳиятини оширишда келгуси авлодлар учун омон сақлашда ушбу тарихий ёдгорликларнинг ўрни беқиёсдир.